



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 НОЯБДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

№ 258 (19.034)

Пайшанба, 8 ноябрь 1984 йил

Баҳоси 3 тийин.



МОСКВА. Қизил Майдон. 1984 йил 7 ноябрь. В. И. Ленин Мавзолеи минбарига.

О К Т Я Б Р Н И Н Г С Ў Н М А С Н У Р И

Қизил Майдонда ҳарбий парад ва меҳнаткашларнинг намоиши

Улуғ Октябр! Инсоният тарихида янги даври бошлаб берган жаҳоншумул аҳамиятга эга бу воқеа ҳар биримиз учун том маънодаги жуда шахсий байрамдир. Биз барча қардош совет халқларини бирлаштирган катта бир аҳил оила бўлиб, улуғ она-Ватанимиз — ер юзиде биринчи ишчи-деҳқонлар давлати тузилган кунни нишонлаймиз.

Вакт жуда тез ўтиб бормоқда, аммо чинакам буюк ишларнинг аҳамияти вақт ўтиши билан ҳам камаймай

ди. Владимир Маяковский ўзининг Октябрга бағишланган «Жуда соҳ!» поэмасида ҳали жуда ёш Советлар мамлакатини меҳр-муҳаббат ва ватанпарварлик ғурури билан «Менинг мамлакатим — навқирон» деб атаган эди. Бу аjoyиб асар Октябр Ватанининг ўн йиллигига атаб яратилган эди. Бугун биз унинг 67 йиллигини нишонлаётган бўлсакда, у ҳамон голибона навқирондир. Улуғ Октябр голибларнинг нури бутун дунёдаги синфдош қардошлар учун, империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт йўлида курашаётганларнинг ҳаммаси учун машғал бўлиб қолди.

«1917—1984» — Қизил майдон узра кўтарилган катта паннога мамлакат Октябр йўлидан босиб ўтган муддатни билдирувчи ана шу рақамлар ёзиб қўйилган. 7 ноябрь кунини Қизил майдон Улуғвор Октябр тантаналари маркази бўлиб қолди.

Шу кунини мамлакатнинг бош майдони ҳақиқатан ҳам революция рангидан, Советлар мамлакатини давлат байроғининг рангидан қиримизи тусга кирди.

Совет халқи яшаб, курашаётган энг асосий нарсаси байрам либосида муассамлашган эди. Революция

туфайли вужудга келган шпорлар — «Халқларга — тинчлик», «Ер — деҳқонларга» шпорлари бугунги мудоаимизни ифода этган «Коммунизм ғалабаси сари, олга!» даъвати билан қўшилиб кетди. «Аврора» крейсери ёнида тасвирланган ва елкасига милтиқ осиб олган кизил гвардиячиларининг ҳозирги авлодига — бунёдкорлар авлодига эстафетани топшираётгандек туюлади. Уларнинг қўлларида улуғ Совет давлати меҳнат кунларининг тимсоллари — тилларанг бугдой дастаси, шахтёрлар чироғи ва Октябр йўлбошчисининг асарларидан иборат китобни қўрамиз. Мангу барҳаёт Ленин таълимоти тарих кашшофи — совет халқининг келажак йўлини ёритиб турибди, мамлакатимизда барпо этилган социализмни тақомиллаштиришда ёрдам бермоқда.

Кремль деворига эркин ва тенг ҳуқуқли иттифоддош республикаларнинг герблари билан ўралган СССР герби кўзга ташланади. Шу республикаларнинг давлат байроқлари ҳиллаб турибди.

Меҳмонлар минбарларида Коммунистик партия билан Октябр революциясининг ветеранлари, граждандар уруши ва Улуғ Ватан

урушининг қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш илгорлари — саноат ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, фан ва маданиятнинг таниқли арбоблари, космонавтлар, кўпдан кўп чет эллик меҳмонлар бор. Совет Иттифоқидagi дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳозир бўлишган.

Москваликлар ва пойтахт меҳмонлари Коммунистик партия ва Совет давлати раҳбарларини гулдўрос, давомли қарсақлар билан табриқлайдилар.

К. У. Черненко, Г. А. Алиев, В. И. Воронников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громинов, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков,

М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, Н. И. Рыжков ўртоқлар В. И. Ленин Мавзолеи Марказий минбарига чиқади.

Кремльнинг Спасск миносидидаги соат ўн марта бонг уради. СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов парад қўмондонини армия генерали П. Г. Лувшининг рапортини қабул қилиб, қўшинларини айланиб чиқади ва парад катнашчиларини Улуғ Октябр байрами билан қўтлайди. Бунга жавобан уч қарра «Ура!» садолари янграйди.

С. Л. Соколов қўшинларини айланиб чиқиб, Мавзолей минбарига кўтарилади ва нутқ сўзлайди.

Ўртоқ С. Л. СОКОЛОВ нутқи

Совет Қуролли Кучлари, Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Хурматли чет эллик меҳмонлар! Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, СССР Олий Совети Президиуми ҳамда Совет ҳукумати номиндан уларнинг топшириғи билан сизларни умумхалқ

байрами — Улуғ Октябр социалистик революциясининг 67 йиллиги билан табриқлайман ва кутлайман. Владимир Ильич Ленин бошчилигидаги Большевиклар партияси раҳбарлигида амалга оширилган голибона социалистик революция экспуатация ва жабр-зулм тузумини ағдариб ташлади. (Давоми кичкинчи бетда).

СОВЕТ КИШИЛАРИ, ҚАРДОШ СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ХАЛҚЛАРИ, БУТУН ПРОГРЕССИВ ИНСОНИАТ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 67 ЙИЛЛИГИНИ ТАНАНАЛИ РАВИШДА ШОДУ ХУРРАМЛИК БИЛАН НИШОНЛАДИЛАР.

СОВЕТ ХАЛҚИ ЖОНАЖОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯ ВА УНИНГ ЛЕНИНЧИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ТЕВАРАҒИГА ЯНАДА МУСТАҲКАМ ЖИПСЛАШИБ, ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИ ТАРИХИЙ ҚАРОРЛАРИНИ ҲАЁТГА МУВАФФАҚИЯТЛИ ТАТБИҚ ЭТИШ УЧУН ИНТИЛАЁТГАНЛИГИНИ ЯНА БИР ҚАРРА ТАСДИҚЛАДИ.

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҳукумати Улуғ Октябр социалистик революциясининг 67 йиллиги муносабати билан 7 ноябрь кунини Кремльнинг Съездлар саройида қабул маросими уюштирди.

Қабул маросимида К. У. Черненко, Г. А. Алиев, В. И. Воронников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громинов, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов,

Е. К. Лигачев, Н. И. Рыжков ўртоқлар ҳозир бўлишди.

Залда КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намоёндалари, ҳарбий бошлиқлар, партия ветеранлари, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илгорлари, фан ва маданият арбоблари, кос-

монавтувчилар бор эдилар.

Тантаналарда қатнашиш учун мамлакатимизга келган Коммунистик ва ишчи партияларнинг таниқли арбоблари, бошқа чет эллик меҳмонлар, Совет Иттифоқидagi дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, руҳонийларнинг намоёндалари, журналистлар ҳозир бўлишди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко ҳозир бўлган кишилар ҳузурида нутқ сўзлади.

Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

Азия ўртоқлари! Хурматли меҳмонлар! Мен партияимиз Марказий Комитетининг, СССР Олий Совети Президиуми ва ҳукуматининг топширувини мамуният билан бажарилмаман. Мен шу ерда ҳозир бўлган барча кишиларни биз учун азия бўлган байрам — Улуғ Октябр социалистик революциясининг олтинчи етти йиллиги билан табриқламоқчиман.

Революцияимиз жаҳон воқеаларининг боришига, инсониятнинг тақдирига жуда катта таъсир ўтказди. Унинг сўмас аҳамияти аввало, шундан иборатки, у Ленин сўзлари билан айтганда, «Бутун дунёга социализм йўлини кўрсатиб берди».

Партияимиз, халқимиз янги жамият қурилишида кашшоф бўлганликларини билан ва социалистик бунёдкорликнинг тобора юксак марралари сари муттасил олға бораётганликлари билан фахрланамиз. Биз революцияининг Қизил байроғига, коммунистик ғолибона мудоа содиқ бўлиб келаятганлигимиз билан фахрланамиз.

Ҳозир партиянинг қоллектив фикри, тажрибаси ва ташкилотчилик иши, барча совет кишиларининг ижодий куч ва ғайратлари илҳомбахш, новаторлик вази-фаларига қаратилган. Бундан мен ривожланган социализмни тақомиллаштириш соҳасида олдимизда турган вази-фаларини назарда тутаяман.

Партия сиёсатининг моҳияти, мамлакатини иқтисодий ва социал ривожлантиришининг барча режалари айни шу вази-фалар билан белгиланади. Бу вази-фаларнинг ҳал этилиши Ватанимизни янада кучлироқ ва кўркамроқ қилиб қўяди, жамиятимизни янада жипслаштиради, турмушимизни янада мазмундор ва бадавлат қилади.

Бугун Москвадаги Қизил майдонда ўтказилган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намоиши партия билан халқ мустаҳкам бирлигининг яна бир завоқли далили бўлди. Шонли кишилар синфимиз, колхозчи-деҳқонларимиз, халқ интилобимиз КПССнинг Ленинча сиёсий йўлини астойдил маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар.

Бу — совет жамиятини ҳар томонлама тараққий эттириш йўлидир. Бу — ер юзиде тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш йўлидир.

Ҳозирги халқаро вазият дунёдаги барча халқлар каби совет кишиларининг ҳам ҳақли равишда танишлантирмоқда. Жаҳон сиёсатидаги кескинлик пасаймапти. Ҳозир бу ташвишнинг тутатилиши ва кескинлигини йўқ қилиш осон эмас, анча қийин иш. Бу соҳада оғиздагина сўзларпарварлик изҳор этиш билан иш битмайди. Реал ишлар қилиниши керак.

КПССга, Совет давлатига келганда, биз қардош партиялар билан биргалик-

да, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан яқдид бўлиб, ер юзидagi сиёсий иқлимни соғломлаштириш, инсоният боши узра пайдо бўлган уруш ҳавфини даф этиш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қилиб келдик ва қилаверамиз. Ўз-ўзидан равшаниш, шавкатли Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлаш учун, социализмнинг тарихий ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш учун ҳамма ишни қилаверамиз.

Коммунистик партияимиз учун! Улуғ совет халқи учун!

Улуғ Октябр туфайли дунёга келган янги жамиятнинг тузум учун!

Бутун дунёда мустаҳкам, бузилмас тинчлик учун!

Шу ерда ҳозир бўлган барча кишиларнинг соғлиғи учун қадаҳ кўтаришни тақдир эттишга ижозат бергайсизлар.

Константин Устинович Черненконинг нутқи давомли қарсақлар билан кутиб олинди.

Қабул маросимини вақтида Совет Иттифоқидagi чет мамлакатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненкога таништирилди.

Қабул маросими самимий вазиятда ўтди.

Санъат усталари қабул маросимининг қатнашчилари учун байрам концерти қўйиб бердилар.

(ТАСС).

ВАТАН ҚУДРАТИ, ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

ТОШКЕНТДА ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ

В. И. Ленин номли марказий майдонда бўлиб ўтган намоиш тошкентликларнинг, бу йил ўзининг 60 йиллигини нишонлаётган Ўзбекистон барча меҳнаткашларининг шавкатли меҳнатини акс эттирди. Республика аҳолиси партия XXVI съезди улуғвор режаларини, КПСС Марказий Комитети келинги Пленумлари ўртага қўйган вази-фаларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга интилаётганлиги байрам намоишини мазмунини ташкил этди. Алвон транспарантлар, плакат ва панноларда Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари ва зиёлиларининг, севиқли Ватан қудратининг, планетада тинчликнинг зарбдор меҳнат билан мустаҳкамлашга, АҚШ бошчилигидаги империализм ўтқа-

заётган бемаъни сиёсат натижасида вужудга келган терморядо ҳалокати хавфининг олдини олишга бўлган азму қарорини ўз ифодасини тошкент меҳнаткашларини Улуғ Октябрнинг 67 йиллиги байрами кунинда КПСС билан Совет давлатининг янги ва ташқи сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаётганлигини, Коммунистик партия ва унинг Ленинчил Марказий Комитети теварағида янада мустаҳкам жипслашишга бўлган мудоаосини яна бир бор тасдиқладилар.

Жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси, Коммунистик партия ва жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчиси В. И. Ленин ҳайкали ёнидаги минбарлардан Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко-

митетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторлари, Октябр революциясини, Граждан ва Улуғ Ватан урушларининг ветеранлари, таниқли фан ва маданият арбоблари, чет эллик меҳмонлар жой олгандар.

Эрталаб соат 10. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Б. Усмонов, Е. А. Айтмуратов, И. Г. Анисимкин, Г. Х. Қодиров, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, В. А. Головин, Н. М. Махмудова, У. У. Умаров, В. А. Хайду-ров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси-

нинг ўринбосари Г. М. Орлов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Қ. А. Аҳмедов, В. Г. Духанин, В. Р. Рахимов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, СССР космонавтувчилари, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. А. Жонибеков ҳукумат минбарига чиқади.

Майдонга Қизил Байроқ ордепли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондонини генерал-полковник Н. И. Попов кириб келди. У қўмондонининг рапортини қабул қилиб, қўшинларини айланиб чиқади ва парад катнашчиларини байрам билан табриқлайди, сўнгра минбарга чиқиб, туркистонлик жангчиларга, Тошкент ва бутун Ўзбекистон меҳнаткашларига қарата нутқ сўзлайди.

— Жаҳонда биринчи социалистик давлат юзага келган кунини, — дейди қўмондон, — халқимиз партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети келинги Пленумларининг тарихий қарорларини амалга оширишда фидокорона меҳнат билан кутиб олмоқда. Ўн биринчи беш йиллик ўртинчи йили тошкентликларнинг бажариш топшириқларини

XXVII съездини ва Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа кенг қулоқ ёзганлиги сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урганлигининг ёрқин ифодасидир. (Давоми кичкинчи бетда).

МУКОФОТ ТОПШИРИЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига СССР Министрлар Советининг 1984 йили мукофотини Тошкент автомобил транспорт ва йўллари институтининг олимлари — техника фанлари кандидати А. Н. Советов, Ф. Е. Ляшко ва Б. Я. Черняк топиштириш маросими бўлди. Бу мукофот полимер материалларни ультрафотуш

воситасида пайвандлаш назарий асосларини, машина-ускуналар ва технологиясини ишлаб чиққанликларини ва халқ истеъмол молларини қўллаб ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги учун берилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмоновжаев мукофот лауреатларига дипломлар ва фахрий нишонларни топиштирди. У мукофотланганларни самимий қўтлади, уларга янги-янги ижодий муваффақиятлар тилади, республика олимлари самараларини ишлари билан КПСС XXVII съезиди таяйғорлик қўришга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирди.

(ЎзТАГ).

Президиуми Раиси ўртоқ
К. У. Черненко нутқларида
ўртага қўйилган назифа-
ларни муваффақиятли
амалга оширишга аҳд этган-
ликларининг улуғвор намо-
йишига айлланиб кетди.

байрам қилиш тўғрисидаги
мухбирлар П. Барнашев-
я, Л. Долина, Ю. Ефимов,
Г. Огородов, О. Панова, С.
Кузиков, В. Шумайлов оlib

